

Бурхониддин РАХИМОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ислом ҳуқуқи мутахассислиги магистранти

XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН УЛАМОЛАРИНИНГ ДИНИЙ- МАЪРИФИЙ ИСЛОҲОТЧИЛИК ҲАРАКАТЛАРИ

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, моддий ва маънавий қадриятларни асраб-авайлаш, келажак авлодга муносиб тарзда тақдим қилиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Сўнгги йилларда кенг жабҳада амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатимиз тараққиётини белгилашда ва жамиятимиз фаровонлигини оширишда улкан аҳамиятга эга. Айниқса, диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар бой илмий-тарихий меросимизни ўрганиш ва тарғиб қилишга хизмат қилиш билан бирга неча асрлардан бери ислом динига эътиқод қилиб келадиган халқимизнинг диний маърифатини янада юксалтиришда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш зарур.

Зеро, озодлик йўлида ўз жонларини тикиб миллатнинг келажаги учун курашган аجدодларимиз хотирасини тиклашда нафақат ижтимоий-сиёсий балки, диний-дунёвий нуқтаи назарларни ҳам четда қолдирмаслик лозим.

“Кўп асрлик миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш, дунё илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган аجدодларимизнинг бебаҳо меросини ўрганиш, унинг асосида ёшларни комил инсон этиб тарбиялаш жамиятда барқарор ижтимоий-

маънавий муҳитни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади”¹.

XX аср бошларида Туркистон ўлкаси ижтимоий-сиёсий ва диний-маърифий ҳаётида ислохотчилик фаолияти кенг кўламда амалга оширилди. Туркистон зиёлилари бўлмиш уламолар ва жадидлар бу борада ташаббусни ўз қўлларига олиб, қизгин баҳс-мунозараларга киришиб ислохотчилик ҳаракатларини амалга оширдилар.

Туркистоннинг XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий ва диний-маърифий ҳаёти ҳақида гапирилганда Туркистон маърифатпарвар зиёлилари бўлмиш уламолар ва жадидлар ҳақида тўхталиб ўтиш зарур.

Зеро, Россия империяси истилосидан сўнг ўлкада кўплаб халқ ғалаёнлари бўлиб ўтди. Уларнинг аксарияти мустақиллик йўлидаги ташкилий жиҳати ночор бўлган ва кўпинча диний мотивдаги қўзғолонлар эди. Жумладан, Туркистонда XIX асрнинг иккинчи ярмида ва шу асрнинг охирларида юз берган Тошкент

¹ “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5416-сонли Фармони. 16.04.2018 “Халқ сўзи” газетаси. 17.04.2017. №75 (7033).-Б. 1.

ва Андижондаги кўзғолонда йирик уламолар шундай диний шиорлар билан ҳаракат қилишган эди.

Умумун олганда, ўз қўлами ва оқибатлари билан бутун Туркистонни ларзага солган бу ҳаракатлар ижтимоий-сиёсий жиҳатдан аниқ бир дастур асосида амалга ошмай маълум бир мустамлакачилик сиёсий тазйиқларига жавоб ҳаракатлари сифатида намоён бўлди.

Россия империясининг рус-япон урушидаги мағлубияти, Россияда ички миллий низолар ва норозиликлар кучайишига олиб келди. Бироқ, тобе миллатлар ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун илгаридай курашиш тўғри эмаслигини англаб ета бошладилар. Шу қатори Туркистонда ҳам аста-секин уйғониш жараёнлари бошланди. Русияда, Кавказ, Волгабўйида яшовчи туркий миллатлар билан яқинлашишга, ҳамкорлик қилишга интилиш кучайди. Янги ижтимоий-сиёсий ва диний-маърифий соҳаларни ислоҳ қилишга доир ғоялар кириб кела бошлади.

Ана шундай шароитда Туркистон матбуоти 1905 йил манифестдан илҳом ва мадад олиб, қисқа муддатда катта босқични босиб ўтди ва туркий дунёнинг эътиборига тушди. Уларни илк маротаба тўлиқ бўлмаса-да, жамлаб фикр билдирган Чўлпон бўлди². Абдулла Авлоний эса “Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи” мақоласида инқилобгача бўлган давр 1905-1917 йиллар оралиғида ўлкада ўзбек тилида 22 та газета ва 8 та журнал нашр этилганини хабар беради³. 1927 йилда “Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар”(1870-1927) тадқиқотини чоп эттирган Зиё Саиднинг аниқлашича, ўтган оралиқ даврда 45 та газета, 36 та журнал дунё юзини кўрган⁴.

Ушбу миллий матбуот саҳифаларини варақлаганда Февраль инқилоби Туркистон аҳолиси томонидан зўр ҳаяжон билан кутиб олинганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Инқилоб томонидан эълон қилинган Озодлик, Тенглик, Биродарлик шиорлари Россиянинг

мустамлакачилик сиёсатидан эзилган мусулмонлар қалбида ёрқин келажакка умид уйғотди. Натижада 1917 йилдан бошлаб Туркистонда озодлик ғоялари сингдирилган сиёсий ташкилотлар юзага кела бошлади. Жумладан, “Шўрои Исломия”, “Турон”, “Уламо”, “Иттифок”, “Турк адам Марказият” каби ўнлаб миллий ташкилотлар⁵ тузилди. Ташкил қилинган сиёсий ташкилотлар ўзларининг дастурларида бошқарув масаласи, идора усули, озиқ-овқат масаласи, таълим-тарбия соҳаси, дин масаласи, илм-фан, маориф соҳаларини тубдан ислоҳ қилишни бир сўз билан айтганда, мустақилликни қўлга киритишни ўз олдидарига мақсад қилиб қўйган эди.

Феврал инқилобидан кейинги шароитларда 1917 йил март – апрел ойлари ўлканинг сиёсий уйғонишида бурилиш даври бўлди. Туркистон жадидлари, миллий зиёлилар ва ислом уламоларининг етакчилари бўлган Махмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар Қори Абдурашидхон ўғли, Убайдулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев, Садриддин Айний, Мустафо Чўқай, Муҳаммаджон Тинишбоев, Шерали Лапин, Аҳмад Закий Валидий Тўғон, Обиджон Махмудов, Тошпўлатбек Норбўтабековлар ўлкада янги ташкил қилинган “Шўрои Исломия”, “Турк адами марказият федералистлар фирқаси”, “Иттифоқи Муслимин” сиёсий партияларининг ташкил топишида муҳим роль ўйнадилар⁶.

1917 йилнинг февралидан кейин “Нажот” (Мунаввар қори), “Шўрои ислом” (А. Баттол), “Турон” (А. Авлоний), “Хуррият” (А. Фитрат), “Кенгаш” (Заки Валидий), “Эл байроғи” (Б. Солиев, А. Зоҳирий), “Улуғ Туркистон” (К. Бакир) каби кўплаб газеталар чиқди. Булар орасида айниқса, “Хуррият”, “Эл байроғи” мухторият ғояларини ифода этганлиги балан алоҳида ўрин эгаллайди.

Шу ўринда айтиш керакки, Туркистон зиёлилари Туркистон ўлкаси мусулмонлари ҳаётини тубдан ислоҳ қилишни кўзлаган.

² Чўлпон. Туркистонда матбуот / Нашрга тайёрловчи – Т.Тоғаев // “Давлат ва жамият бошқарув” журнали. 1998. 2-сон. –Б. 40-44.

³ Абдулла Авлоний. Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи / Нашрга тайёрловчи – Ш.Ризаев. -Т., 1993. -Б.115-123.

⁴ Зиё Саид. Танланган асрлар. -Т., 1974. -Б.13-116.

⁵ Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиаи оқибатлари. -Тошкент: Шарқ. 2001. -Б.4.

⁶ Ражабов Қ., Хайдаров М. Туркистон тарихи. -Тошкент: Университет, 2002. -Б.6.

Мустамлака шароитида ўз дин ва эътиқодини бидъат ва хурофотлардан тозалашни мақсад қилиш улкан жасорат эди. Туркистон зиёлилари Туркистон ўлкасини маърифатсиз жаҳолат ботқоғидан чиқариб бўлмаслигини яхши тушунишган эди. Маърифатсиз ўлка мусулмонлари мустақилликка эришиш у ёқда турсин, ҳатто, унга эришган тақдирда ҳам сақлаб қола олмаслиги кундек равшан эди. Зеро, дунёда улкан ўзгаришлар бўлаётганлиги, мустамлакачи давлатлар илмни ўз манфаатларига бўйсундириб илм-маърифат ва тараққиётда қуйида бўлган давлатларни ўзларига тобе этишда бир-бирлари билан ким ўзарга беллашаётган бир давр эди. Ўлка мусулмонлари нафақат дунёвий илмларда балки диний илмларда ҳам оқсаётганлиги кундек равшан эди.

Ўрта асрларда аждодлар яратган илмий меросга муносиб ворис бўлиш афсуски, ўлка мусулмонларига насиб қилмади. Бу борада марказлашган давлат барпо этган Европа давлатлари ҳар жиҳатдан ўзиб кетишди. Ўлка мусулмонлари эса ҳар жиҳатдан орқада қолиб кетишди. Бир вақтлар табиий ва аниқ фанларнинг ривожига улкан ҳисса қўшган халқ эндиликда бу фанларни диний мутаассиблик руҳида рад этиш ёки бўлмасам эътиборсиз қолдириш пайида бўлди. Алал оқибат ўлка мусулмонлари ҳаётини диний мутаассиблик руҳидаги жаҳолат қамраб олди. Ҳаётнинг барча жабҳаларида диний мутаассибликнинг асоратини кўриш мумкин эди. Бу ўлкани қолоқликдан, залолатдан, жаҳолатдан ва зулм исканжасидан қутқаришнинг бирдан-бир йўли маърифат, маърифат яна бир бор маърифат эди.

Туркистон ўлкаси мусулмонлари ҳаётини тараққий эттириш кўп жиҳатдан диний қарашларни ислоҳ қилиш ва диний мутаассибликка чек қўйишдан иборат эди. Буни қуйидаги кузатишларни таҳлил қилишдан ҳам билсак бўлади. XX асрнинг дастлабки ўн йиллигида газеталар илм-маърифат ва тараққиёт жарчисига айланган бўлса, иккинчи ўн йилликка келиб, “Ал-Ислоҳ”, “Ал-Изоҳ”, “Изҳорул-Ҳақ” (“Баёнул-Ҳақ”) каби журналлар диний маърифат, миллат бирлиги, ислоҳот ва тараққиёт учун фаол тарғиботчилик вазифасини бажара бошлади.

Ушбу журналларда ёритилган илғор фикрли жаҳидлар ижоди, давр уламо, мударрисларининг ислом тарихи, мазҳаблари юзасидан олиб борган мунозаралари, диний ислоҳотчилик масалалари, ўзаро баҳслари, жаҳидчилик ва қадимчилик, ёки турли диний оқимларга нисбатан муносабатини жуда аҳамиятлидир. Бу албатта Туркистон уламолари фатволарининг маҳаллий матбуот саҳифаларида ёритилиш сабабларига ойдинлик киритади.

Туркистонда ислоҳотчилик XIX асрнинг 80-йилларида Россия мусулмонлари, хусусан, Кавказ ва Волга бўйида ёйилган шу номдаги тараққийпарварлик ҳаракатининг бевосита таъсири ва самараси сифатида юзага келди. Бунда Исмоил Гаспринскийнинг 1883 йилдан чиқа бошлаган “Таржимон” газетаси ва 1884 йилда очилган “усули жаҳид” (иккинчи номи – усули савтия) мактаби ҳал қилувчи рол ўйнади. Шунингдек, XIX асрнинг бошларидаги эски мактаб-мадраса тизимидаги норозиликлар, хусусан, тараққиётга тўсиқ бўла бошлаган Бухоро мактаб-мадраса тизимини кескин танқид қилувчи А.Курсавийнинг “Ал-Лавойиҳ” (“Равшанликлар”) ва Ш.Маржонийнинг “Вафиййатул аслаф ва таҳиййатул ахлаф” (“Салафлар вафоти ва авлодлар дуоси”) номи китоблари маълум аҳамиятга эга бўлди⁷.

Туркистон жаҳидчилари отаси бўлмиш муфтий Маҳмудхўжа Бехбудий Туркистонда ислоҳот ғояларини кенг тарғиб қила бошлади. Юқорида номлари зикр этилган зиёлиларининг аксарияти Бухоро, Самарқанд ёки Хива мадрасаларида таҳсил кўриб, Марказий Осиё ҳудудларида пайдо бўлган муайян бир ислоҳот йўлини тутишган эди. Уларга ўрта асрларда яшаб ижод этган мутафаккирларимизнинг асарлари қанчалик маънавий озуқа берган бўлса, ўз навбатида ўзлари илгари сурган ғоялар ҳам шунчалик Туркистон ислоҳотчи ҳаракатига катта таъсир кўрсатди.

XX аср бошларида Туркистон ўлкаси уламолари хоҳ жаҳид бўлсин, хоҳ қадим бўлсин уларнинг бир мақсад бирлаштириб турган. У

⁷ Улуғбекова З. Туркистон ижтимоий-сиёсий ва диний-маърифий ҳаётида “Ал-Ислоҳ” журнали туган ўрни Тарих фанлари номзоди ... дисс. Тошкент ислом университети. – Тошкент, 2011. – Б. 10.

ҳам бўлса шу ўлка мусулмонлари ҳаётини ислоҳ қилиш ва келажакда аждодларига муносиб ворис сифатида маданий тараққиётга эришишни мақсад қилишган эди. Мустамлака шароитида ўз дин ва эътиқодини бидъат ва хурофотлардан тозалаш, ёшларни келгусида Туркистон ўлкасига муносиб ворис сифатида кўриш учун таълим тизимини изчил ислоҳ қилишга интилиш ҳам улкан жасорат эди. Бу ислохотчилик ғояларига назар ташлайдиган бўлсак, у икки йўналишда амалга оширилди:

1. Ижтимоий-сиёсий соҳа.
2. Диний-маърифий соҳа.

Туркистон уламолари диний-маърифий ислохотларни амалга оширишда аввало, шу соҳа мутахассисларни тайёрлайдиган мадрасаларга эътибор қаратадилар. Зеро, 1898 йилдаги Андижон қўзғолонидан сўнг ҳукуматнинг ислом динини чеклаш сиёсати кескин ва ошқора тус олди. Вақф мулкларини бошқариш, мусулмонлар ўқув юртларини бошқариш ва диний ишларни бошқариш ҳақидаги ишлар ва барча нуфузли зиёратгоҳлар ҳам Туркистон генерал-губернаторлиги назорати остига олинади. Шу боисдан диний лавозимлар Туркистон маъмурияти томонидан ҳал қилинадиган бўлди. Бундай сиёсат натижасида мударрислар орасида билимсиз кишилар кўпайиб кетиб, диний мутаассиблик, янгиликка интилмаслик каби ҳолатлар янада авж олди. Қозилик ишларида ҳам ҳукуматга маъқул келадиган одамларнинг келиши оқибатида диний уламолар орасида билимли, ватанпарвар, инсофли, диёнатли ва тажрибали кишиларнинг камайиб кетишига олиб келди.

Дастлабки миллий матбуот нашрлари бўлмиш “Ойина” журнали ва “Садои Туркистон” газетаси саҳифаларида мактаб ва мадрасалар ислоҳи, муаллим ва мударрисларнинг савияси, касбий салоҳияти, таълим ва тарбия усуллари тўғрисида долзарб ва ўтқир материаллар бериб борилди⁸. XX аср бошларида шу каби миллий матбуот нашрларида мактаб ва таълим соҳасини ислоҳ қилишга доир танқидлар, тавсиялар, фикр ва молоҳазалар бериб борилса-да, “Ал-Ислоҳ”,

“Ал-Изоҳ”, “Изҳорул-Ҳақ” (“Баёнул-Ҳақ”) каби журналлар каби диний-маърифий ислохотларни оммалаштиришда муҳим натижаларга эриша олмади.

1917 йилнинг февраль инқилобини самараси ўлароқ, “Фуқаҳо жамияти” ташкил қилинди. Унинг мақсад ва дастурларини тарғиб қилиш учун Тошкентда ҳафтада бир марта чиқадиган диний, илмий, адабий, сиёсий нашри “Изҳорул ҳақ” журнали чоп этила бошланди. Мазкур журналнинг 15 та сони “Изҳорул ҳақ” номи билан чоп этилган ва 15-сонидан сўнг “Баёнул ҳақ” деб ўзгартирилган бўлса-да, маслак ва мақсади бир бўлган. “Изҳорул ҳақ” ўз саҳифаларида даврнинг долзарб муаммоларини, диний-ахлоқий, сиёсий, маданий, иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ёритиб борган. Муфтий Олимжон ҳазрат шундай ўз даври замонасининг йирик уламоларидан бўлиб у кишининг журналда мударрисларга қилган Мурожаати нафақат ўз даври учун долзарб бир масала бўлиб, бугун ҳам қайсидир жиҳатлари билан эътиборга моликдир. Бунда устозлардан ўз касбларига виждонан ёндошиб, авлодлар келажакига беписанд бўлмасликларига чорловлар бор.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, Туркистонда ислохотчилик ҳаракати ана шундай мураккаб, тарихий жиҳатдан серқирра йўлни босиб ўтди. Туркистон зиёлилари бўлмиш уламолар ва жадидлар турли мамлакатлардаги тараққиёт, ислохотлар учун олиб борилган ҳаракатларнинг фалсафий тажрибасига таяниб, бу тажрибани миллий асосда қайта ишлашга интилдилар.

Шу боисдан, диний-дунёвий маърифат-сизликка қарши кураш йўлидаги амалга оширилган диний-маърифий ислохотлар, миллатнинг озод ва мустақилликка эришиш йўлидаги даъватлар ва ватанга муҳаббат руҳи билан суғорилган XX аср бошларидаги тарихимизни атрофлича тадқиқ қилишда бирламчи манба сифатида Туркистон миллий матбуоти саҳифалари муҳим аҳамиятга эгадир.

⁸ Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи (1-қисм. 1870-1917 йил ноябрь). -Тошкент: Ғафур Ғулом нашриёти, 2009. -Б.215.